

## ИСЛОМ ДАВРИ МУСИҚИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ

Худойназаров Илҳом Ўткир ўғли

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси “70212002 – Маданиятшунослик” мутахассислиги магистранти*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Ислом даври мусиқий маданияти ва унинг тарихий илдизлари, арабларнинг мусиқа санъатига, тасвирий санъатга бўлган муносабатлари, араб истилоси натижасида минтақа халқлари орасида ислом динини сингдириш зарурати ва унинг маданиятга, хусусан, мусиқий маданиятга таъсири ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *Ислом, маданият ва санъат, мусиқий-фалсафий тафаккур, араб маданияти, мусиқа илми, Шарқ мусиқаси тарихи*

**Abstract:** *This article talks about the musical culture of the Islamic era and its historical roots, the attitude of the Arabs to music and visual arts, the need to inculcate Islam among the peoples of the region as a result of the Arab conquest, and its impact on culture, especially on musical culture.*

**Key words:** *Islam, culture and art, musical-philosophical thinking, Arab culture, musicology, history of Eastern music*

Минтақамизнинг араблар томонидан истило этилиши оқибатида маҳаллий халқ томонидан асрлар давомида яратилган моддий ва маънавий, бадий ва маданий қадриятлар шафқатсизларча топталди. Маданият ва санъат асарларининг ваҳшийларча вайрон этилишининг оқибатлари ҳақида кўпсонли археологик ва ёзма манбалар (ўша даврнинг муаррихлари ва шоҳидлари томонидан) қайд этилади. Хусусан, XI асрнинг буюк алломаси Абу Райҳон ал-Берунийнинг “Осор ал-боқия ан-алқурун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида мазкур даврда санъат, адабиёт, дин ва илм-фан кишиларининг қатағон қилингани, асарларининг ёндириб юборилгани, битиклар ва ҳужжатларнинг йўқ қилиб юборилгани ҳақида ёзади.

Марказий Осиё халқларининг мусиқа маданияти ва санъати соҳасидаги асрлар давомида эришган ютуқлари ҳам йўқликка юз тутди. Истилочилар томонидан мусиқа маданиятининг моддий асослари (мусиқий марказлар, саройлар, эҳромлар, мусиқий чолғулар)нинг кули кўкка совурилиб, созанда-ю хонандалар, раққосалар қуллик-чўриликка маҳкум этилди.

Арабларнинг мусиқа санъатига, тасвирий санъатга бўлганидек салбий муносабатлари истилонинг илк босқичида мафкуравий сабаблар билан – мазкур

минтақа халқлари орасида янги Тавҳид динини – Исломни сингдириш зарурати билан боғлиқ эди.

Маҳв этилган халқлар мусиқа маданиятининг тикланиши учун озмунча вақт керак бўлмади. Маҳаллий мусиқий анъаналарнинг уйғониш жараёни биринчи навбатда Марказий Осиёда сиёсий вазиятнинг ўзгариши – давлат тепасига маҳаллий ҳукмдорлар сулоласи – Сомонийларнинг ўрнашиши билан боғлиқликда кечди. Бунга эришувда Халифалик ва унинг тимсолида бутун араб маданиятига қарши бош кўтарган, маҳаллий зодагонларнинг юқори табақаларини, уларнинг адабий, интеллектуал қатламларини яхшигина қамраб олган “шуъубийя” муҳолифат ҳаракати катта роль ўйнади. Араб маданияти ва санъатига қарши ўлароқ Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг қадимги ўзига хос маданий анъаналари қаддини тиклади. Шу тариқа Мовароуннаҳр ва Эрон халқларининг Халифаликка қарши курашлари асил маҳаллий анъаналарни тиклаш шиори билан кечди. Бу тамойил айниқса Сомонийлар ҳукмронлиги вақтларида яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, ўрта асрлар мусиқа маданиятининг ривожланиши ва барқ уриши Мовароуннаҳрнинг араб-мусулмон маданияти доирасига жалб этилиши билан боғлиқликда кечди<sup>26</sup>. Ушбу давр маънавий маданиятнинг юксалиши, илм-фан, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик, архитектура, фалсафий ҳурфикрлиликнинг тараққийси билан қатор тадқиқотчилар томонидан “Мусулмон Ренессанси” даври сифатида эътироф этилади<sup>27</sup>. Бунда шаҳар маданияти алоҳида ўрин тутди: айни шу даврда Марв, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Нишопур, Гурганч, Хива, Хўжанд каби шаҳарларда маданий ҳаёт сезиларли даражада жонланади.

IX асрга келиб бутун Мусулмон Шарқида шаҳар ҳаёт тарзи умумий бўлиб, халифалик марказида содир бўладиган барча ҳодисалар ҳамма ерга ёйилар ва ўзлаштирилар эди. Мусулмон давлатларида янги удумларга асосланган мусиқа фалсафасининг шаклланишида шаҳарларда ислом динининг тарқалиши, масжид ва мадрасалар, кутубхоналарнинг барпо этилиши натижасида жадал ривожлана бошлаган илм-фан ниҳоятда аҳамиятли бўлди. Жамиятда олимнинг мавқеи юксала борди, адаб (ислом этикети)нинг нозик жиҳатларини ўзлаштирган адиб (зиёли мусулмон-аристократ) учун маърифат ва заковат бирламчи заруратдаги фазилатлар мақомини олди.

Худди шу давр Мовароуннаҳрда фан ва маданият бобидаги ажойиб кашфиётлар ва тадқиқотлар билан тарих саҳифаларидан жой олдики, бу аждодларимизнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссасигина эмас, уларнинг юксак даҳосидан ҳам дарак беради. IX-X асрларда илм-фан, маданият ва санъатнинг барча

<sup>26</sup> Бу ҳақда қаранг: Фильштинский И., Шидфар Б. очерки арабо-мусульманской культуры. М., 1971.

<sup>27</sup> Масалан, қаранг: Чалоян в. Восток-Запад. Преемственность в философии античного и средневекового общества. 2-е изд., испр. и доп. – М., 1979.

турлари равнақ топди, буюк мутафаккирлар, уламою фузалолар ҳам айни шу даврда, шу заминда етишиб чиқдилар. Ўтмиш маданиятимиз, маънавиятимизга тааллуқли ёзма манбаларнинг асосий қисми ҳам шу даврда яратилди. Хусусан Абу Юсуф Яъқуб ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий, “Ихвон ус-Сафо”, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Фахриддин Розий каби қомусий алломаларнинг оламшумул асарлари кейинги асрларда бунёд этилган мусиқий-назарий ва мусиқий-фалсафий қарашларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Этиборлиси, номлари зикр этилган донишмандларнинг аксарияти Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги маданий марказларда фаолият юритган.

IX аср – XIII аср бошларини қамраб оладиган давр мусиқа санъатида исломгача ва янги араб-мусулмон анъаналари қоришувига асосланган янги бадий анъаналарнинг шаклланишини намоён этади. Айни шу даврда китобат санъати ва умуман ёзма маданият кенг ривожланади. Мусулмон Шарқининг йирик маданий марказларида мусиқа санъатининг жадал ривожланиши IX асрдаёқ бу ерда мустақил фан соҳаси – илми мусиқанинг қарор топишини таъминлади. Мусиқа илми махсус рисолаларда, шунингдек, қомусий асарлар таркибида жиддий ўрганила бошлади; фундаментал асарларда асосий тадқиқий масалалар доираси пайдо бўлди. Сон ҳамда сифат нуқтаи назаридан баҳоланадиган бўлса, илмий-фалсафий умумлашмалар савияси, мавзунинг қамровлиги, таҳлилнинг теранлиги нуқтаи назаридан ушбу давр мусиқа илми ўзининг кўп асрлик тараққиётида ўта аҳамиятлиси саналади.

Мусиқа илми, бошқа илмлар каби, фаол маданий “олди-берди”лар ва ижодий пайвандлик жараёнида ривожланди. Бунда бир халқ эришган ютуқлар бошқа халқнинг яратувчанлик салоҳияти билан бойитилди. Маданий-тарихий шарт-шароитнинг ўзгариши билан санъат тараққиётидаги етакчилик гоҳ бир халққа, гоҳ бошқасига ўтиб, шунга мувофиқ, бадий марказлар у шаҳардан бунисига кўчиб турди.

Қомусчи-олимларнинг мусиқа масалаларига махсус бағишланган асарлари IX–X асрлар мусиқа маданиятини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу даврда мусиқа илми мислсиз даражада тараққий топди: фундаментал асарларда кейинчалик анъанавий тус олган асосий тадқиқий масалалар доираси пайдо бўлди. Сон ҳамда сифат нуқтаи назаридан баҳоланадиган бўлса, илмий-фалсафий умумлашмалар савияси, мавзунинг қамровлиги, таҳлилнинг теранлиги ва ҳ. к. га кўра кўрилатган давр мусиқа илми ўзининг кўп асрлик тараққиётида энг аҳамиятлиси ҳисобланади.

Мусулмон Шарқида юнон илм-фанига қизиқиш IX асрда Бағдодда "Байтул ҳикма" академияси ташкил этилган паллага келиб кучайди. Бу ерда қадимги юнон трактатлари, жумладан мусиқий рисолалар ҳам таржима этила бошлади. Мусулмон зиёлилари Бағдод мутаржимлар мактабининг арабча таржималари орқали Пифагор

ва унинг издошлари – Платон, Аристотель, Аристоксен, Псевдо-Эвклид, Птоломей каби буюк юнон мутафаккир-алломаларининг илмий мероси билан таниша бошлади. Энди бошқа илмлар қатори, илми мусиқа Шарқда янги ижтимоий-сиёсий муҳит ва янги мусиқий анъаналар заминида шаклланиб, ривожлана бошлади.

Юнон мусиқий-илмий меросини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида Шарқ алломалари тақлидийликдан холи бўла олмас эдилар. Аксинча, илк тақлидона таълимотлар Шарқ мумтоз мусиқа назариясининг яралиши жараёнидаги зарурат бўлиб, унда қадимги юнон мантиғи, фалсафасининг қўлланилиши илмий-услубий аҳамиятга эга эди. Қолаверса, бу тамойил то кечки ўрта асрларга қадар (араблисон ёхуд форсийзабон муаллифларнинг қарашларига у ёки бу даражадаги тақлид кўринишида) давом этди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

2. Али-заде А. А. Коран // Исламский энциклопедический словарь. – М. : Ансар, 2007. – ISBN 978-5-98443-025-8.

3. Гоибов Г. Музыка и танцы народов Средней Азии до и после арабского завоевания. В кн.: Борбад и художественные традиции народов Центральной и Передней Азии: история и современность. – Душанбе, 1990. сс.131-133.

4. Матякубов О. Новая концепция узбекского национального искусства маком // “XXI asr musiqa san’ati: muammo va yechimlar”. Халқаро конференция тўплами. Т.: 2018. Б.305-313.